

РЕСПУБЛИКА МАЊНАВИЯТ  
ТАРФИБОТ МАРКАЗИ  
БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ

*Воизга ёрдам*

**Султонмурод ОЛИМ**

**БУРЧ**

*Маъруза матни*

Тошкент  
«Академнашр»  
2012

УДК: 347(575.1)

КБК 67.404

0-49

*Фуқаронинг ҳуқуқи*

Бурч нима?

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари-чи?

Бу тушунчаларни нима бир-бирига чамбарчас боглаб туради?

Фуқаронинг Конституцияда белгиланган қандай бурчлари мавжуд ёки уларга айнан нималар киради?

Инсоннинг Конституцияда махсус қайд этилмаган бурчлари ҳам борми?


Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хорижлик фуқароларга ҳам бурч юклайдими?..

Қўлингиздаги жажжи китобча ана шундай саволларга аниқ-тиниқ жавоблар бериш илинжида битилган.

Умид қиламизки, уни бир зарбда ўқиб чиқасиз.

**Масъул муҳаррир:**

Бобур КАРИМОВ,  
социология фанлари номзоди



© Султонмурод Олим «Бурч».

© «Akademnashr»

нашриёти, 2012 йил.

10 40536  
1

Туркий тилнинг жуда нозик ўзига хослиги бор: бир бўғинда икки ундош товуш деярли ёнма-ён келмайди. Шунинг учун бошқа тиллардан кирган сўзларда икки ундош бақамти бўлиб қолса, ҳамма вақт ҳам тўғри, яъни ўша эга тилдагидек талаффуз қила олмаймиз – ё олдидан, ё орасига бир унли қўшамиз. Бу фикрни илғаб олиш учун бир-икки мисол келтиришга тўғри келади. Оғзакида деярли ҳаммамиз «сабр» сўзини «сабир», «ақл»ни «ақил», «жабр»ни «жабир», «стол»ни «устал», «стакан»ни «истакан» (ёки, ҳатто, «истакон»), «станция»ни «истанса»... деймиз.

Лекин тилимизда ўн-ўн беш хос сўз учрайдики, уларда истисно тариқасида икки

ундош бемалол бақамти келаверади, соф туркий, яъни туғди-битди бўлгани учун уларни тил қурғур ҳам айтишга асло қийналмайдди: «бурч», «бўрк», «керч» («ўйиб ол» маъносида: «турпни керч»), «мурч», «мўрт», «орт», «ост», «терс», «тинч», «турп», «турш» («нордон» маъносида), «тўрт», «севинч», «сурт», «уст», «юрт», «қирқ», «қувонч», «қурт», «қўнж», «қўрч»...

Аммо бу рўйхатга «енг», «кенг», «энг», «менг» («хол» маъносида), «минг», «онг», «тонг», «сўнг», «чанг», «ўнг» каби сўзларни киритиб бўлмайди. Чунки «нг» араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосида ҳам, кирилл ёзуви асосидаги ҳозирги ўзбек алифбосида ҳам, латин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида ҳам («ng») икки ҳарф қўшилмаси тарзида акс эттирилади. Аммо, шунга қарамай, бу бир товуш ҳисобланади ва уни икки ундошнинг бир бўғинда ёнма-ён келиши деб ҳисоблашга мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Кўриб ўтилганидек, «бурч» – ана шун-

дай соф туркона, яъни ўзбеккона сўзларимиздан. Асрлар мобайнида тилимизда, тилшунослик атамаси билан ифодалаганда, аксар мавҳум отлар, жумладан, маънавий қадриятларни арабчадан кириб келган сўзлар билан номлаш расм бўлган («адолат», «саховат», «самимият», «ҳамият», «мурувват» ва ҳоказо). Бироқ «бурч»ни соф ўзбекча сўз билан ифода этамиз ва унинг арабчасини билмаймиз ҳам.

Тилимиз шу қадар бойки, у «бурч» сўзини ишлатмай туриб ҳам бу тушунчани англатадиган ифодаларга эга. «Вазифа» сўзи ҳам шу маънога яқин келади, «ҳам қарз, ҳам фарз» ибораси эса айнан «бурч» маъносини акс эттиради.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида бу икки ифода бевосита «бурч» маъносида қўлланган: «Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни (улуғ аждодларимиз яратган мерос ҳақида сўз кетяпти – С. О.) ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг

маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт деб ҳисоблайман. Нега деганда, ўзимиз – бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар – бу вазифани ўз зиммамизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди» (44-бет).

Бир ҳуқуқшунос биродаримиз билан суҳбат асносида гап айланиб, ана шу бурч тушунчасига тақалди.

– Бурч – тушунарли, Конституцияда белгилаб берилган олти бурчни ким билмайди? – деди у киши.

Суҳбатдошимизнинг расман шундай дейишга ҳаққи бор. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 бобидан биттаси – XI боби айнан «Фуқароларнинг бурчлари» деб номланади. Унда, чиндан ҳам, фуқароларнинг, жумладан, олти бурчи қайд этилган.

Бироқ бурч – ҳуқуқшунос биродаримиз ўйлаганидан кўра нозикроқ масала.

Биринчидан, бурч – жуда кенг тушунча ва уни фақат фуқароларнинг Конституцияда белгиланган бурчлари билангина чеклаб қўйиб бўлмайди.

Иккинчидан, худди шу олти бурчнинг биринчиси фуқаро зиммасига «Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариш» вазифасини юклайди. Фуқаронинг Конституцияда белгилаб қўйилган бурчлари эса фақат ана шу XI бобдаги олти бурчдангина иборат эмас.

Келинг, яхшиси, аввал шу махсус бобдаги қолган беш бурчни эслатиб ўтайлик:

48-моддага биноан, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.

49-модда фуқароларни Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга ундайди,

чунки маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида.

50-модда фуқароларга атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш масъулиятини юклайди.

51-моддада фуқаролар қонун билан белгиланган ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурлиги қайд этилади.

52-моддага кўра, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи, шунинг учун фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур.

Хўш, фуқаронинг Конституцияда белгиланган бурчлари шу билан тугайдими?

Йўқ.

Бу жавобимиз ҳеч кимда бирон-бир шубҳа уйғотмаслиги учун Асосий қонуни-миз ҳар бир бандини моддама-модда кўриб чиқиш зарур.

Аслида, Конституция фуқарога ҳуқуқ



ва эркинлик беради ҳамда унинг зиммасига бурч юклайди.

Ҳуқуқ ва эркинлик бор жойда бурч ҳам бўлади. Ҳуқуқ ва эркинлик билан бурч тушунчаси ҳамиша ёнма-ён юради.

Айтайлик, Конституциямизнинг 54-моддасида фуқарога мулкдорлик ҳуқуқи берилган. У *«мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади»*. Лекин бу ҳуқуқ фуқарога шу билан бевосита боғлиқ алоҳида бурч ҳам юклайди: *«Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»*.

Кўрдингизми?!

Фуқаро – жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. У қаердадир раҳбар ё ходим, ишчи ё хизматчи, кимгадир эса ота ё она, эр ё хотин, ўғил ё қиз, тоға ё амаки, хола ё амма, ака ё ука, опа ё сингил, божа ё ов-

син, устоз ё шогирд, жиян ё неvara, қўшни ё қуда ва ҳоказо.

Буларнинг бари кишига бурч юклайди. Бу бурчларнинг ҳаммасини Конституцияда акс эттириб бўлмайди, албатта. Аммо, кўрганимиздек, Асосий қонунда алоҳида муҳрланганлари ҳам бор.

64-моддада ота-оналар бурчи қайд этилган: улар *«ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар»*. Чунки, ахир, фарзанд ҳали ёш, ўзини ўзи боқиш, ўзини ўзи тарбиялаш имконига эга эмас. Амалда ҳеч бир фарзанд ота-отасининг боқуви, тарбияси, ўқиши ва турмуш қуришига кўмаклашувисиз вояга етиб, жамиятнинг етук аъзоси бўла олмайди ёки бу жуда қийин кечади.

Ота-онаси йўқ фарзандларни эса давлат ва жамият ўз қарамогига олади. Бинобарин, Конституциямизнинг 64-моддаси иккинчи бандида шундай сўзлар битилган: *«Давлат ва жамият етим бола-*

ларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради».

Хўш, кексалар нима қилсин? Уларга ким ғамхўрлик қилади?

Албатта, қонунларда белгиланган тартибда кексалар пенсия билан таъминланиши, бошқа ижтимоий ҳимоя ва жамоатчилик ёрдами олиши мумкин. Лекин улар фарзанд ўстирган-ку!

66-моддага биноан, биринчи навбатда, «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Ҳар қандай қонун Конституция асосида қабул қилинади. Бошқача айтганда, Конституциянинг у ё бу моддасидаги ҳуқуқ, эркинлик ё бурч қонунларда кенг-роқ, яъни замон талаблари асосида барча нюансларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ифодаланади.

Масалан, «Оила кодекси»нинг 110-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли шахс ихтиёрий равишда кексайиб қолган ота-онасига моддий ёрдам кўрсатмаса, суд орқали мурожаат қилинганда ундан ота-она учун алимент ундирилиши мумкин.

Конституцияда барча бурчларни ифодалаш иложи йўқлигининг бир исботи шуки, бутун маънавиятимиз, муқаддас динимиз, адабиётимиз, миллий ахлоқимиз бу масала билан азал-азалдан шуғулланиб келади. Бу борада халқимизда жуда бой мерос тўпланган. Биргина кўшнининг бурчи билан боғлиқ ҳадисларнинг ўзи – қанчадан-қанча. Бизда кўшничилик маданиятининг ҳадисларда ифодаланмаган яна қанчадан-қанча жиҳатлари мавжудлигини ҳам биламиз. Барчамиз бу анъана ва қадриятларга кўлимиздан келганча амал қилиш ҳаракатида бўламиз. Миллий маънавий мерос сифатида авлодларга юқтиришни ўйлай-

миз. Ҳатто, бизда ён-атрофимизда бирга яшаётган кўплаб миллат ва элатлар ҳам уларнинг асосий-асосийларига амал қилишга ўтган.

Конституциямизда фуқароларнинг бурчлари билан боғлиқ жиҳатларни кўриб ўтдик. Лекин Асосий қонунимизда фуқаролар бурчларидан ташқари бурчлар ҳам берилган:

1. Халқ бурчи.
2. Давлат бурчи.
3. Давлат органлари бурчи.
4. Мансабдор шахслар бурчи.
5. Ўзбекистон Республикасида яшаб турган хорижий давлатлар фуқаролари бурчи.

«Муқаддима»да Ўзбекистон халқи ўзининг мухтор вакиллари сиймосида нима мақсад-муддаоларни кўзлаб ушбу Конституцияни қабул қилгани ифодаланган:

*«Ўзбекистон халқи:*

*инсон ҳуқуқларига ва давлат сувере-*

нитети гояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятини англаган ҳолда,

Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга, садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Моҳиятан, булар – халқнинг бурчи.

Ёки 2-моддани олайлик. Унда: «Давлат

*халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», – деб махсус ёзиб қўйилган.*

Бу давлатнинг энг асосий бурчи янглиғ жаранглайди. Шу билан бирга, шўро давлати онгимизга мажбуран сингдирган бир хато ғояни тузатади: давлат халққа хизмат қилади, аксинча эмас!

Шу модданинг кейинги банди: *«Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», – дея уқтиради.*

Шунингдек, 3-, 13-, 14-, 22-, 40-, 41-, 70- ва бошқа моддаларда давлатнинг турли бурчлари белгилаб қўйилган. Мантиқан олганда, давлат ниманики кафолатласа, бу унинг бурчи ҳисобланади.

40-модда, бир қарашда, соддагина жумладан таркиб топган: *«Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга».*

Бу ердаги «малакали» сўзида гап – кўп. Давлат шуни кафолатлаяптики, агар би-

рор киши бетоб бўлиб қолса, уни, албатта, малакали тиббиёт ходимлари даволайди. Мабодо, малакаси йўқ киши даволаса, қонун олдида жавоб беради. Яъники акушер-гинеколог кўричакни олиб ташлаш малакасига, уролог ёки терапевт синган оёқни гипс қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Бирор-бир фуқаро ўз маблағига хусусий поликлиника қуриб, қонунлар асосида уни ишга тушириши мумкин. Лекин у ўғли ёки қизини ана шу хусусий поликлиникасига бош врач қилиб қўйиши мумкинми? Мумкин. Фақат Конституциянинг 40-моддасидаги «малакали» деган қатъият ана шу ўғил ёки қизнинг малакали врач бўлишини талаб этади. Агар ўша тадбиркорнинг ўғли ёки қизи малакали врач бўлса, қонун унинг отаси барпо этган поликлиникага бош врач бўлишига монелик қилмайди.

Бу ерда давлат кимнинг манфаатларини ҳимоя қиляпти? Фуқаронинг, албатта.

41-моддада уч позиция илгари сурилган:




*«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.*

*Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.*

*Мактаб ишлари давлат назоратида-  
дир».*

Конституциянинг 18-моддасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, уларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги қайд этилган.

41-моддада «ҳар ким» дейилдими, барча фуқаролар кўзда тутилади, улар ўртасидаги ҳеч қандай фарқ билим олиш ҳуқуқига даҳл қила олмайди. Бизда умумий таълим – бепул. Мактаб ишларининг давлат назоратида экани эса, биринчидан, умумий таълим муассасаларини давлат қуриши, таъмирлаши, жиҳозлаши, иккинчидан, ҳеч ким етти ёшга тўлган боласини мактабга юбормаслик ҳуқуқига эга эмаслигидан далолат беради. Ҳатто, ақлан етук, аммо жисмонан



ногирон бўлган болалар учун у яшаб турган ҳудуддаги умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларни юбориб, унинг уйида бир ўзига ўқиш ташкил этади.

72-моддадаги: *«Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида мажбурийдир»*, – сўзлари эса Қорақалпоғистон Республикасининг бурчини ифодалайди. Шунинг ҳам эсдан чиқармаслик керакки, Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг (70-модда), Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ўз ҳудудида мажбурийлигини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикасининг (71-модда) бурчига киради.

Конституциямизнинг айрим бандларида мансабдор шахслар бурчлари ҳақида алоҳида сўз боришини кўриб ўтдик. 92-моддада берилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёди матни эса давлат раҳбарининг асосий бурчларини қамраб олади.

Давлатнинг мамлакат ҳудудида яшаётган хорижлик фуқаролар олдида ҳам бурчи бор. Шунингдек, бизда яшаётган хорижликлар зиммасига ҳам муайян бурчлар юкланади. Бинобарин, Конституция-мизнинг 23-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз: *«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларини адо этадилар».*

Дунё шунчалар ривожланиб кетдики, ҳозирги замонда бағрида чет эллик фуқаро яшамаётган давлат бўлмаса ҳам керак. 23-модда айнан шу масалага ойдинлик киритади. Унда, аввало, *«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро*

ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши» қайд этилган. Қолаверса, Конституциямиз улар зиммасига ҳам муайян бурч юклайди: *«Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларини адо этадилар».*

Фуқаро, халқ, мансабдор шахс, давлат... бурчи.

Фуқаролар ва давлат бурчлари бир-бирини инкор этмайди, бир-бирига зид келмайди ҳам. Аксинча, бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисини тўлдиради. Бу 19-моддада ниҳоятда демократик асосда қайд этилган: *«Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар».*

Инсон табиати – жуда мураккаб. Кўпинча бирон-бир фуқаронинг у ёки бу ҳуқуқи, эркинлиги, кадр-қиммати, хусусан, мулкига дахл қилингудек бўлса, дарҳол у Конституциядаги ҳуқуқ ва эркин-

ликларидан сўз бошлаши ҳеч гап эмас. Шундай бўлиши ҳам керак. Бу – ўта табиий. Бир томони, демократия дегани ўзи шу.

Аmmo ҳаммамиз ҳам ҳамма вақт ҳам бурчимизни адо этиб юришни ўйлайвермаймиз. Билмадим, эҳтимол, жуда кичик бир мисолдир-у, лекин менга ўзининг ниҳоятда гўзал энг сўнгги нусха «Мерседес»и, «Эпика»си ёки «Ласетти»сида пойтахтимизнинг кенг, шинам кўчасида кетаётиб, бир деразасидан сигаретаси қутисини, сал ўтмай бошқа деразасидан чекилмасини (окуркасини) итқитиб кетаётган жаноб ё хоним шу Ватан, шу замин табиати, биринчи галда, озодалигига жавобгар эканини унутмаган етук фуқаро, юксак маданиятли, бой маънавиятга эга шахс бўлиб кўринмайди.

Ҳолбуки...

Ҳуқуқ ва эркинлик билан бурч инсонийликнинг икки тенг мезони ҳисобланади.

Билмадим, қайсиниси муҳимроқ?

Ҳар ҳолда, аввал – бурч!

Бурчнинг энг каттаси – қонунга риоя этиб яшаш. Бутун жамиятнинг шунга амал қилишига эришиш эса – оғир, лекин ба- жарса бўладиган вазифа.

Модомики, инсонга, аввало, айнан маъ- навиятига қараб баҳо берилар экан, шахс- нинг бурчга муносабати ҳам бевосита унинг маънавиятини кўрсатадиган мезон- лардан бири саналади.

*Ижтимоий-публицистик нашр*

**Султонмурод ОЛИМ**

**БУРЧ**

*Маъруза матни*

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Мусаҳҳид:** Марҳабо ЖЎРАЕВА

**Бадний муҳаррир:** Феруза НАЗАРОВА

**Техник муҳаррир:** Хуршид ИБРОҶИМОВ

**Компьютерда терувчи:** Сарвиноз ЖЎРАЕВА

2000 дфч

O-49

**Олим, Султонмурод**

Бурч / С. Олим; масъул муҳаррир  
Б. Каримов. – Тошкент: Akademnashr,  
2012. – 24 б.

ISBN 978-9943-389-70-0

УДК: 347(575.1)

КБК 67.404

---

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 08.08.2012 й.

Босишга рухсат этилди: 19.09.2012 й.

Газета қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Воктап гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 0,39. Шартли б.т.: 0,69.

Адади: 1500 нусха. Буюртма № 228

«AKADEMNASHR» нашриётида нашрга тайёрланди.

100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

20<sup>А</sup>-мавзе, 42-уй.

**Тел.:** (+998 71) 217-16-77

**e-mail:** akademnashr@mail.ru

«КО'НИ NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 44-уй.